

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2023 йил 11 июль

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди,
раислик қилувчи З.Омонов,
судья ёрдамчиси И.Усмоновнинг котиблигида,
тарафлардан Қува тумани прокурор ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов,
судланувчининг ҳимоячиси – адвокат Д.Рустамова қатнашувида,
Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан айбланган,

Абдураззакова Ибодатхон (Abdurazzakova Ibodatxon),
1956 йил 29 февраль куни Қува туманида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,
маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар
фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, нафақада,
Қува тумани, Янгиобод МФЙ, Нуронийлар кўчаси 27-
уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда
бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган,
айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 26 июнь
куни олганга,

оид 1-1511-2301/231-сонли жиноят ишини ўз биносида, очиқ суд
мажлисида кўриб чиқди.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини тинглаб, тарафларнинг
музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши
хужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб,
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Абдураззакова Ибодатхон, таркибида гиёҳвандлик
воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда етиштириб,
агротехник ишлов бериб, парваришлаб келган.

Жумладан, 2023 йил 1 июнь куни Қува тумани ИИБ ходимлари
томонидан ўтказилган тадбирда, И.Абдураззакованинг Қува тумани,
Янгиобод МФЙ, Нуронийлар кўчаси 27-сонли уйининг ҳовлиси холислар
иштирокида кўздан кечирилганда, судланувчи И.Абдураззакова уйи
томорқасида 2 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, уларга
агротехник ишлов бериб, суғориб парваришлагани аниқланиб, ушбу
ўсимликлардан намуналар ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 1 июнь кунги 556-сонли
хулосасида, судланувчи И.Абдураззакованинг уйи томорқасидан
топилган 2 туп ўсимликлар таркибида таркибида опий гуруҳига мансуб
бўлган гиёҳванд алколоидлар – морфин, кодеин ва тебаин мавжуд
бўлиб, булар “кўкнори” ўсимликлари экани аниқланган.



Қува тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг хулосасида, И.Абдураззакова уйининг 1м² ер майдонидаги 2 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликларига агротехник ишлов берилиб, парваришлангани кўрсатилган.

Судланувчи Абдураззакова Ибодатхон судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, 2023 йил баҳор ойларида уйининг томорқасида “кўкнори” ўсиб турганини кўргани ва уларни дориликка ишлатишни ўйлаб, ўсимликларни юлиб ташламасдан, вақти-вақти билан тагини чопиб, сув қуйиб тургани, 2023 йил 1 июнь куни уйига ИИБ ходимлари холислар билан келишиб, томорқасида ўсиб турган 2 туп “кўкнори” ўсимликларини топишиб, уларни холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишгани, ўзи “кўкнори”ни дориликка парваришлагани, оиласидан ҳеч ким гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилмаслиги, ҳозирда содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини баён этиб, суддан унга енгиллик беришни илтимос қилди.

Гувоҳ Абдуразаков Толибжон судда берган кўрсатувида, судланувчи И.Абдураззакова унинг турмуш ўртоғи экани, 2023 йил 1 июнь куни Қува тумани ИИБ ходимлари томонидан уйи кўздан кечирилиб, турмуш ўртоғи томонидан томорқада 2 туп “кўкнори” ўсимликлари парваришлангани аниқлангани, турмуш ўртоғи бу ўсимликларни дориликка парваришлагани, сўнг ИИБ ходимлари ушбу ўсимликлардан намуналар олишиб, ҳужжатлар тузишгани, оиласида ҳеч ким гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилмаслигини баён этди.

Судланувчи И.Абдуразакованинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби баён этилганлардан ташқари, судда ўқиб эшиттириб текширилган гувоҳ О.Хатамовнинг дастлабки терговдаги кўрсатуви билан, шунингдек, жиноят ишида мавжуд билдирги, уй ҳовлисини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, ашёвий далилларни олиш баённомаси, Қува тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг хулосаси, суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 1 июндаги 556-сонли ва суд-наркологик экспертизасининг 2023 йил 9 июнь кунги 382-сонли хулосалари билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Абдуразакованинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, судланувчи И.Абдураззакова экин ер майдонида тақиқланган экинларни, яъни таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алколоидлар – морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлган, “кўкнори” ўсимлигини етиштириб, уни парваришлаган.

Суд, судланувчи И.Абдураззаковага жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрор ва ундан пушаймонлиги, 67 ёшда бўлиб, нафақада экани, муқаддам судланмагани ва жинят предмети 2 туп “кўкнори” ўсимликлари эканини жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий



